



ЮРТНИНГ КУЧИ — БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР!

Ватан мустақиллигининг 33 йиллиги! “Янги Ўзбекистон” боғида энг улуг, энг азиз байрамимиз тантанали нишонланди. Дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Эришилган ютуқлар, келгуси режалар ҳақида фикрлар илгари сурилди.



Бу ҳақда бир оз кейин батафсил тўхталамиз. Ҳозир улуг кунни нишонлаш учун “Янги Ўзбекистон” боғида боргунча бўлган йўл таассуротлари, ўйларимиз ҳақида

қисқача тўхталасак. Байрам тадбири ўтадиган манзилга қараб йўлга чиққан автобус тўла одам. Барчанинг юз-кўзида масрурлик. Одамлар бир-бирига қувончли хабарлар,

ютуқлар ҳақида гапирди. Сухбатни жим эшитиб кетаётганлар юзида эса нимтабасум. Шукроналик! Шуларни кўриб, кузатиб завқланаман ва беихтиёр БАТАН,



МУСТАҚИЛЛИК, унинг қувват манбаи бўлган сирли куч ҳақида ўйлайман...

Ўттиз уч — сирли, мўъжизакор рақам. У камолот, етуклик даври. Дунё халқлари

орасида ҳам бу рақамга нисбатан маънавий, жисмоний баркамоллик тимсоли сифатида қараш мавжуд. Унга муқаддас манбаларимизда ҳам далил бор.

Мамлакатлар ҳам инсонга ўхшайди. У ҳам биз каби заминдан куч, одамлардан илиқ тафти олади.

Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларим, кўп миллатли халқимизни бугунги улуг айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим, эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳаммамиз миллий истиқлолимиз нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг тарихий аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айнан мустақиллик тўфайли миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Ўзбекистон янги тарихий даврга қадам қўйди. Айнан истиқлол тўфайли Жаҳон ҳамжамиятини муносиб ўрин эгалладик.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди.

Шундай қутлуг кунда Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар аجدодларимиз хотирасини миннатдорлик билан ёдга олишимиз табиий, албатта.

Улар — ўз халқини тараққиёт сари бошлаган жадид боболаримиз, миллий озолиқ йўлида жон фидо этган улуг аждодларимиздир. Улар — гоёт оғир шароитда ҳам миллий истиқлол ва ҳуррият гоёларига содиқ қолган қаҳрамонларимиздир. Бугун уларнинг эзгу гоё ва тамойилларига таяниб, янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини яратмоқдамиз.

Бу фидойи зотларнинг номларини ҳеч қачон унутмаймиз!

Уларнинг хотираси қалбимизда, юрагимизда ҳамиша яшайди!

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан қадамлар қўйдик.

Давоми 2-бетда

Ҳар бир ишимиз, ҳар бир ютуғимизда истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўлмоқда.

Ватанимиз дунёга, дунё эса юртимизга кенг очилмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда.

Сўнгги 7 йилда Ўзбекистон ташаббуслари асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд, жумладан, жорий йилда 4 та махсус резолюция қабул қилинди.

Жаҳон банки бу йил мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 5,3 фоизга ўсишини прогноз қилди. Кўплаб давлатлар билан солиштирганда бу анча юқори кўрсаткичдир. Халқаро валюта жамғармаси эътироф этганидек, 2023 йилда ялпи ички маҳсулотимиз илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Давоми 2-бетда

ЭНГ КАТТА МАКТАБ, ЭНГ КАТТА ТАРБИЯ — ТАРИХНИНГ ЎЗИ

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кuni.

Шу муносабат билан Шахидлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, зёёлилар йиғилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Аждодлар ҳақида Қуръон тиловат қилинди. Элга ош тортилди.

Бу маросим Мустақиллик байрами билан ҳамоҳанг ўтиши, миллат

ойдинлари ёдга олинишдан кўнгил энтикади. Бу Ватанга фидойилик йиллар ўтса-да қадрланиши, ҳеч бир эзгу иш изсиз кетмаслигини аниглади.

Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРАЛИМПИА ГОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтаётган Паралимпия ўйинларида терма жамоамизнинг илк олтин медалларини қўлга киритган енгил атлетикачиларимиз Асила Мирзаёрова ва Қудратиллохон Маъруфхўжаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Асила Мирзаёрова узунликка сакрашда 5,22 метр натижа қайд этиб, салкам 30 йил олдинги паралимпия рекордини янгилади. Қудратиллохон Маъруфхўжаев ядро улоқтириш баҳсини ғолиб бўлди.

Давлатимиз раҳбари уларни қизгин табриклаб, меҳрли сўзларини изҳор қилди. Мураббийлари ва

ота-онасига миннатдорлик билдирди. Бошқа совриндор ва иштирокчи спортчиларга ҳам салом йўллаб, муваффақиятлар тилади.

Паралимпиячиларимиз табрик ва доимий эътибори учун Президентимизга раҳмат айтиб, янги ғалабаларга эришишга ваъда бердилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.НОРИЕВАГА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТАДБИРКОР” ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини янги босқичга кўтаришда ўзининг ватанпарварлик, ишбилармонлик ва ташаббускорлик фазилатларини яққол намоён этиб, кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаятгани, хусусан, бөгдорчилик, қўчатчилик ва гулчилик тармоқларини илгор тажриба ва инновацион усуллар асосида ривожлантириш, ҳудудда томорқачиликни кенг тарғиб қилиш, иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий масалаларни ечишда алоҳида фаоллик кўрсатаётгани, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, меҳнатсевар ва шиоатли инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари учун Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари Нориева Шарофат Эргашевнага “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 31 август

ХОРИЖИЙ ЕТАКЧИЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро институтлар ва минтақавий ташкилотлар, етакчи корпорация ва компаниялар раҳбарларидан, таниқли сиёсат, жамоат ва дин арбобларидан самимий табриklar келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз мактубларида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва давлатимизнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган прагматик ва фаол ташқи сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини таъкидламоқдалар.

Иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, таълим, маданият, спорт ва бошқа кўплаб йўналишлардаги ютуқлар алоҳида эътироф этилмоқда.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва бахт-саодат, янада гуллаб-яшнаш ва тараққиёт тилаклари билдирилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик кuni муносабати билан энг самимий табриklar-ринми изҳор этаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муҳим кунни нишонлашда Ўзбекистон Республикаси халқининг хурсандчилигига қўшилади.

Бу Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш, иқлим инқирозига қарши курашиш ва барча учун имкониятлар ва умидларни кенгайтириш муҳимлигини эслатадиган ноёб фурсатдир.

Тинчлик, барқарор тараққиёт ва барча учун инсон ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам берадиган бирдамлик ва умумий қарорлар учун аини пайт.

Ушбу қутлуг кунни нишонлар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси халқи ва бутун дунёдаги барча инсонлар учун яхши келажак барпо этиш борасидаги интилишимиз қатъий эканини яна бир бор тасдиқлаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгансиз.

Антониу ГУТЕРРИШ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кuni муносабати билан самимий табриklar-ринми қабул қилгансиз.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил бормоқда, минтақавий кун тартибидagi муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда, жаҳон майдонида ўз мавқеини мустаҳкамламоқда.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик хусусиятига эга. Москва ва Тошкент турли йўналишларда фаол ҳамкорлик, МДХ, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида самарали мулоқот қилмоқда.

Биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан бундан буён ҳам дўст халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўлида конструктив икки томонлама алоқаларни изчил ривожлантираимиз, деб ишонаман.

Сизга, ҳурматли Шавкат Мирмонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга эса бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табриklar-рим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси фаол амалга оширилмоқда, давлат қурилишида самарали натижаларга эришилиб, халқ фаровонлиги кун сайин юксалиб бормоқда. Янги даврда ҳар қандай ҳар томонлама стратегик ҳамкор сифатида Хитой томони бундан мамнун.

Жорий йилнинг январь ойида Пекинда ва июль ойида Остона шаҳрида Сиз билан музокаралар ўтказдик, улар давомида Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги бўйича кўплаб муҳим келишувларга эришилди ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари белгилаб олинди. Ягона тақдирга эга Хитой — Ўзбекистон ҳамжамиятини қуришни янада чуқурлаштириш мақсадида Сиз билан яқин алоқаларни давом эттиришга ва стратегик алоқаларни мустаҳкамлашга тайёремиз.

Ўзбекистонга равнақ ва куч-қудрат, халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Қўшма Штатлар халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига мамлакатингиз Мустақиллик кuni муносабати билан энг эзгу тилакларимизни йўлламоқдаман.

1991 йилда мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилинганидан буён Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва минтақавий барқарорлик йўлида салмоқли ютуқларга эришди. Ушбу воқеалар мамлакатларимиз ўртасида тобора сермазмун ва жадал стратегик шерикликка олиб келди. Чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш, икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва Ўзбекистоннинг бой маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича иш олиб бориш каби умумий мақсадларимизга эришиш йўлида амалга оширган ишларимиздан фахрланаман.

Қўшма Штатлар мавжуд алоқалар мустаҳкамланиши ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилишини интиқлик билан кутиб қолади. Сизга мамлакатингиз мустақиллигини шодлик ва қувонч ила ўтказишнингизни тилаб қоламиз.

Ҳурмат билан,

Жозеф БАЙДЕН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Давоми 2-, 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Барча ислохотларимизнинг руҳи ва мазмунига **“Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!”** деган эзгу гоя чуқур кириб бормоқда. Иқтисодий ютуқларимиз жорий йил сентябрь ойидан пенсия ва нафақалар миқдорини, октябрь ойидан эса бюджет ҳодимлари, шифокорлар ва педагоглар машиини ошириш имконини бермоқда.

Одамларимизда ҳаётдаги муаммолар ечимига дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик позицияси кучаймоқда. Аҳолимиз “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида фаол қатнашиб, маҳалларим ҳамда ижтимоий объектларни молиялаштиришни мустақил ҳал этмоқда. Ўтган даврда юртодошларимиз маъқуллаган 13 мингдан ортиқ лойиҳалар учун 11 триллион сўм маблағ ажратилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Экологияни асраш, табиий ресурсларни тежаб ишлатиш, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий тизимларга ўтиш ишларини кучайтирдик.

Мамлакатимизда “Яшил макон” дастури давом этмоқда. Айниқса, Орол денгизи тубини кўкаламлаштириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ушбу лойиҳа минтақа бўйлаб чанг ва туз тарқалишининг олдини олишга ёрдам бермоқда.

Муҳтарам юртодошлар! Бугунги кунда навқирон фарзандларимиз Янги Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўймоқда.

Бунинг тасдиғи яқинда Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида яна бир бор яққол намоён бўлди. Азму шижоатли ўғил-қизларимиз дунёдаги энг йирик спорт анжуманида 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритдилар.

Айниқса, мард ва жасур боксчиларимиз Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсматов, тазквондочи ўғлонимиз Улугбек Рашитов икки марта олимпия чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Улар миллий спортимиз тарихида шонли саҳифа очдилар.

Ҳеч шубҳасиз, олимпия чемпионлари Дие́ра Келдиёрова, Лазизбек Муллажонов, Абдумалик Халожов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Разамбек Жамалов, кумуш медаль совриндорлари Светлана Осипова, Акбар Жўраев,

бронза медаль соҳиблари Алишер Юсупов, Музаффарбек Тўрабоев ва Ғуломжон Абдуллаев ҳам Париж майдонларида чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Ўзбекистон тарихида том маънода рекорд натижалар, мислсиз ютуқларга эришган голиб ва музаффар спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Албатта, Париж майдонларида қўлга киритилган барча ютуқ ва натижалар олимпиячиларимизнинг халқимизга муносиб байрам совғаси бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, Париж Олимпиадасида Ватанимиз байроғини балаңд кўтарган моҳир спортчиларимизни, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор чин дилдан кутлайман.

Шу кунларда Париждан яна кетма-кет қувончли хабарлар келмоқда. Паралимпиячи ўғил-қизларимиз ҳам халқимиз учун Мустақиллик байрамига муносиб совғалар ҳада этишмоқда.

Маҳоратли спортчиларимиз Асила Мирзаёрова, Қудратулла Маъруфхўжаев, Элбек Султонов олтин медалларни, матонатли фарзандларимиз Зиёдахон Исоқова, Кубаро Ҳакимова кумуш медалларни, Муслима Одилова, Толиббой Йўлдошев, Моҳигул Ҳамдамова эса бронза медалларни қўлга киритдилар.

Мана, бизнинг қандай қаҳрамонларимиз, қандай ўторак паҳлавонларимиз бор! Уларга таҳсин ва тасаннолар бўлсин!

Ана шу жасур ва фидойи фарзандларимизни чин дилдан кутлаб, бундай ютуқлардан руҳланган спортчиларимиз албатта янада юксак марраларни эгаллайдилар, юртимизга албатта катта-катта ғалабалар билан қайтадилар, деб ишонамиз.

Хурматли дўстлар! Бугунги нихоятда мураккаб ва таҳликали давр олдимизга янги-янги синов ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Лекин ҳаёт қанчалик машаққатли бўлмасин, мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил давом эттириб, халқимизни рози қилишга, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Қуrollи Кучларимизни замонавий қуrollар-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларнинг

жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам улкан эътибор қаратамиз. Лекин тинчликни сақлаш фақат ҳарбийларимизнинг иши бўлиб қолмаслиғи керак. Бу барчамизнинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиши шарт.

Юртининг кучи — бирликда, қадрли эса тинчликдадир!

Муҳтарам ватандошлар! Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратмоқдамиз.

Буллар, аввало, **сифатли таълим тизimini йўлга қўйиш, бизнесни ривожлантириш, коррупциядан холи, адолатли суд тизimini яратиш, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, экологик барқарорлиқни таъминлашдан иборат.**

Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган қалит ҳам — фақат ва фақат таълим ва тарбиядир.

Шу сабабли мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича катта дастур қабул қилдик. Мактабларимизда, аввало, она тили ва адабиётни чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизга чет тиллардан сифатли таълим бериш мақсадида хорижий тил эгаларини олиб келмоқдамиз. Мактаб ўқувчилари жаҳондаги илгор тажрибалар асосида тайёрланган замонавий дарсликлар билан таъминланмоқда.

Юртимизда дунёдаги нуфузли олийгоҳларнинг филиалларини очиб, Ўзбекистонни йирик таълим марказига айлантиришни мақсад қилганмиз. Ёшларимиз етакчи хорижий университетларда таҳсил олиб, тажриба ортириб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаганлар. Бунинг учун уларга “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали янада кўлай имкониятлар яратамиз. Айниқса, ҳўил-қизларнинг билим олишлари, касб эгаллашларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Мен ҳурматли ота-оналарга қарата айтмоқчиман: қизларингизни ўқитинг, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларида уларга кўмакчи бўлин!

Улуғларимиз айтганларидек, **ўғил болани ўқитсак, бир киши саводли бўлади. Қиз**

болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади!

Бугун Ўзбекистоннинг барча ёшларига мурожаат қилмоқчиман.

Қадрли ўғил-қизларим, мамлакатимиз исттиқболи, барча эзгу ниятларимиз ижобатини биз, аввало, сизларнинг тимсолингизда кўраимиз. Келажақда турли соҳаларда улкан ютуқ ва зафарларга эришиб, юртимизни дунёга янада кенг тараннум этишингизни истаймиз. Маррани балаңд олинг, сиз буюк ишларга қодирсиз!

Ҳамиша ўз кучингиз, қатъият ва салоҳия-тингизга ишонинг!

Давлатимиз, халқимиз, Президент сизларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлайди, ҳар қандай ёрдамни аямайди.

Хурматли байрам иштирокчилари!

Биз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги сазй-ҳаракатларимизни қатъий давом эттирамиз. Алоҳида компанияларга берилган монопол ҳуқуқ ва имтиёзларни босқичма-босқич бекор қилиб, барчага тенг ҳуқуқлар берилишини таъминлаймиз.

Жорий йилда энергетика, нефть-газ, сув хўжалиғи, йўл қурилиши, темир йўл ва аэропорт хизмати соҳаларида 17 турдаги давлат монополиясини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу ишларни давом эттириб, мамлакатимизни халқаро савдо маконининг ажралмас қисмига албатта айлантирамиз.

Яна бир долзарб масала — аҳолини муносиб иш ўринлари билан таъминлашдир. Биз бу борада тадбиркорларимизга таянамиз. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтирамиз.

Тадбиркорлар билан ҳар йили юзма-юз мулоқот қилмоқдамиз. Уларни қўйнаётган муаммоларга ечим топиб, соҳани қўллаб-қувватлаш учун тегишли қарорлар қабул қиляпмиз.

Замоннинг ўзи тадбиркорларимиздан кенг миқёсда фикрлар иш юритишини, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулот яратишни талаб этмоқда.

Бу йўлда уларга омад ва ютуқлар тилаймиз.

Хурматли ватандошлар!

Биз энди 37 миллионлик катта халқмиз. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйи-

ча жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Бу рақамни ислохотларимиз, меҳнатимиз, билим ва қўбиятимиз билан катта салоҳиятга айлантиришимиз керак.

Денгизга чиқиш имкониятимиз чекланганини инобатга олиб, эътиборимизни креатив соҳаларга қаратишимиз, уларни жадал ривожлантиришимиз зарур. Жаҳонда креатив саноат маҳсулотлари экспортидан йилгига миллиардлаб доллар даромад топаётган мамлакатлар кўп. Бинобарин, шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган ишдоркор ишбилармонларимизни, айниқса, ёшларимизни ҳар томонлама рағбатлантирамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бундан саккиз йил олдин Марказий Осиёни ташқи сиёсатимизнинг энг устувор йўналиши деб белгилдик. Шу асосда қўш-ниларимиз билан дўстона муносабатлар тубдан яхшиланди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз билан халқларимизнинг барқарор тараққиёт эгган, тинчлик ва ҳамжиҳатлик руҳи ҳўкм сурадиган Янги Марказий Осиё ҳақидаги орзу-си реал ҳақиқатга айланмоқда.

Минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик марказларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда.

Бугунги ноёб тарихий имкониятлар асосида Марказий Осиёда ҳар томонлама соғлом сиёсий муҳит, келгуси авлодлар учун эркин ва хавфсиз келажақ яратишимиз зарур.

Айни пайтда дунёнинг барча давлатлари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли алоқа-ларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш ва тараққиётни таъминлашга қартилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга, бугунги тантанамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Қадрли ватандошлар!

Шу кунларда юртимиз муҳим сиёсий воқеа арасида турибди. 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳудудлардаги вакиллик органларида сайловлар ўтказилади.

Ушбу сайловлар янгиланган Конституциямиз белгилаб берган ижтимоий-сиёсий муҳитда, ривожланган давлатлардаги каби илк бор аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади. Сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда ҳурматли аёлларимизнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши белгилаб қўйилди.

Ишонаман, бўлгуси сайловлар халқаро сайлов стандартлари ва миллий сайлов қонунчилигига тўла мувофиқ ҳолда, кучли рақобат муҳитида бўлиб ўтади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни сайловда фаол иштирок этиб, Янги Ўзбекистон учун, эркин ва фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг бахти ва истиқболи учун овоз беришга чақираман.

Азиз ва муҳтарам юртодошлар! Бугун шиддатли ҳаётнинг ўзи барчамизни янада улкан марралар сари даъват этмоқда. Ўз кучимиз ва салоҳиятимиз билан барпо этган мустақил давлат, эркин ва озод жамиятни янада кучли, янада гўзал ва обод этиш бош вазифамизга айланмоқда.

Бу шундай юксак марракки, унга эришиш учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди.

Бу шундай буюк, шарафли мақсадки, унга бутун борлигимизни бахш этсак арзийди.

Мен ишонаман — барчамиз бир бўлиб, ақл-заковат, билим ва тажрибамиз, куч-қайратимизни ишга солиб, бу улуг манзилга албатта етамиз. Ёруғ ва нурафшон келажагимизга — Янги Ўзбекистонни албатта барпо этамиз!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мана шундай эзгу гоя атрофида бирилашиб, ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб келаятган, фидокорона меҳнати билан янги ҳаёт биносини барпо этаётган буюк халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Сиз, азизларни, бутун халқимизни давлатимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Яшасин Ўзбекистон Республикаси! Яшасин Ўзбекистон халқи!

ХОРИЖИЙ ЕТАКЧИЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Бошланиши 1-бетда



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қадрли қардошим!

Сизни ва қардош Ўзбекистон Республикасининг бутун халқини мамлакатингиз Мустақиллиги куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Мустақиллик йилларида қардош Ўзбекистон ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш ва халқаро майдондаги нуфузини оширишда салмоқли ютуқларга эришди. Мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш танланган йўлнинг самарали эканлигининг яққол тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Туркманистон Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро интилиш туфайли йилдан-йилга янги мазмун билан бойиб бораётган муносабатларни чин дилдан қадрлайди. Мулоқотимизга хос бўлган ийлиқлик ва ўзаро ишонч бундан буён ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишга қатъий ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангул БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ва бутун қардош Ўзбекистонни Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман.

Суверен тараққиёт йилларида Сизнинг ажойиб мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда, халқаро нуфузини мустаҳкамлашда ва фуқаролар фаровонлигини оширишда ҳақиқатан ҳам улкан ютуқларга эришди. Ушбу кўтлуг кун ўзбек халқининг миллий бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, юксак бунёдкорлик руҳи ва ватанпарварлигининг рамизидир.

Сизларнинг кенг қўламли сиёсий ислохотларни тизимли амалга ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш ва миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш борасидаги тинимсиз сазй-ҳаракатларингиз юксак ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. Ишончим комилки, Сизнинг нуфузули ва доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон барқарор ўсиш ва тараққиёт йўлидаги дадил ҳаракатини давом эттиради.

Биз кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳидаги кўп қиррали Қозоғистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қатъий интилишимиз тасдиқлар эканман, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Сизнинг раҳбарлигингиз сўнгги йилларда Ўзбекистон тараққиёт-ида, айниқса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш соҳасида сезиларли ютуқларга олиб келди.

Сизнинг ички ва ташқи сиёсатдаги кенг қўламли ислохотларингиз муваффақиятли амалга оширилди, бошқа мамлакатлар билан шериклик мустаҳкамланмоқда.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклиқни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссангизни, шунингдек, халқларимиз учун муҳим бўлган турли соҳаларда муваффақиятли икки томонлама ҳамкорлиқни юксак қадрлайман.

Биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан Қирғизистон — Ўзбекистон қардошлиғи, абдий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Қадрли Шавкат Миромонович!

Тожикистон халқи номидан ва шаҳсан ўз номидан Сизни, Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини мамлакатингиз миллий байрами — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Сизнинг тинимсиз сазй-ҳаракатларингиз туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида муҳим натижаларга эришилди. Биз яқин қўшни сифатида бу муваффақиятлардан чин дилдан хурсандимиз.

Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва бунёдкорона ҳамкорлик муносабатлари Тожикистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ва биз уларни бугунги даражасигача қадрлаймиз.

Тожикистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бутун мажмуи изчил ривожланган ва кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Биз ушбу ўзаро манфаатли жараённи янада илгари суришдан манфаатдормиз.

Биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама ҳисса қўшамиз, деб ишонаман.

Сизга, қадрли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Хурматли Шавкат Миромонович!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда улкан ютуқларга эришди, халқаро майдонда муносиб обрў-эътиборга эга бўлди, минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳал этишда конструктив роль ўйнамоқда.

Биз Туркменистонда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасини юксак қадрлаймиз ва уни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга катта аҳамият берамиз. Ўз навбатида, мамлакатларимизнинг қардош халқлари фаровонлиги йўлида Туркменистон — Ўзбекистон стратегик муносабатларини янги уфқлар томон фаол илгари суриш учун Сиз билан биргаликдаги сазй-ҳаракатларини бундан буён ҳам давом эттиришга тайёригимиз билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқи фаровонлиги йўлидаги барча ташаббус ва интилишларда янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мир**

ХОРИЖИЙ ЕТАКЧИЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Бошланиши 1-, 2-бетда

Хурматли Президент жаноблари!
Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги таширфларнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, Сизни Озарбайжонга давлат таширфини амалга оширишга тақлиф этаман. Ишончим комилки, Сизнинг ушбу таширфингиз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги вақт синовидан ўтган дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, иттифоқимизни чуқурлаштиришга, мамлакатларимиз ва бутун минтақамизнинг барқарор ривожланиши ва гуллаб-яшнашига беқиёс ҳисса қўшади.

Сизни тез орада Бокуда кўришга умид қиламиз. Сизга ва оилангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли ва олижаноб фаолиятингизда янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,
Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Мирмонович!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриklarимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон давлатининг суверен ривожланиш йиллари барқарор иқтисодий ўсиш, кенг қўламли ижтимоий ўзгаришлар ва мамлакатнинг жаҳон миқёсида муносиб эътироф этилишини таъминлаган ёрқин ютуқларга бой бўлди.

Бугун Тошкент конструктив ташаббуслар билан Марказий Осиёда глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш тизимига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Халқларимизнинг кўп йиллик дўстлигига асосланган Беларусь — Ўзбекистон муносабатлари ҳам икки томонлама форматда, ҳам халқаро ташкилотлар ва минтақавий бирлашмалар доирасида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Сизга, хурматли Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, барча режаларингиз амалга ошишини, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва равақ тилайман.

Хурмат билан,
Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари, қадрли биродарим!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва биродар ўзбек халқини энг самимий тилакларим билан муборакбод этаман.

Мустақил бўлганидан буён ҳар куни тобора тараққий этаётган дўст ва қардош Ўзбекистонда оқилона раҳнамолигингиз орқали эришилаётган муваффақиятлар ва халқаро майдонда эгалланган нуфузли ўрин Туркия учун ҳам ғурур манбаидир.

Муносабатларимизнинг муштарак саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама даражада ва кўп томонлама платформаларда, жумладан, Туркий давлатлар ташкилотида илдиз отиб бораётганини кўриш бениҳоя мамнуният бахш этади.

2024 йил 6 июнь куни Анқара шаҳрида ўтказилган Туркия — Ўзбекистон Олий даражали стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилишида келишиб олинган масалалар биродарликка таянувчи яқин алоқаларимизни келгусида барқарор тарзда мустаҳкамлашга ишончим комил.

Дўст Ўзбекистон Мустақиллик байрами билан яна бир бора қўтлаб, фурсатдан фойдаланган ҳолда, чин қалбимдан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига омонлик, фаровонлик тилаб қоламан.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!
Менинг қадрли дўстим!
Ўзбекистон миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва ўзбек халқига шахсан ўз номимдан ва Франция халқи номидан энг самимий табриklarимни ҳамда бахт ва фаровонлик тилакларимни йўллашдан бениҳоя мамнунман.

2024 йил ёзги Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ўтказилаётган даврда ўз фаоллиги, спорт маҳорати ва ажойиб ўйинлари билан ажралиб турган ўзбекистонлик спортчиллар ва мухлисларни катта қувонч билан қабул қилганимиздан беҳад хурсандимиз.


Ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқандда мени ажойиб қутиб олганингиз давоми сифатида шу йил кузда Сизнинг Париж шаҳрига таширфингизни интиқлик билан қутаман. Мен мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ўрнатишга катта аҳамият бераман. Ушбу улкан марра давлатларимиз ўртасида йирик минтақавий ва халқаро масалалар бўйича яқинлашувни мустаҳкамлаш, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомини ҳурмат қилиш бўйича умумий муносабатимизни мустаҳкамлаш, биз белгилаб олган йирик икки томонлама лойиҳаларни илгари сурши ҳамда таълим, маданият, глобал муаммолар ва хавфсизлик каби муҳим соҳаларда ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш имконини беради.

Мамлакатларимизни бирлаштирган алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги қатъиятimgа ишонинишингизни сўрайман.

Сизни Парижда қутиб олиш шарафидан мамнун бўлишимни таъкидлаб, Сиз, Президент Жаноби Олийларига чуқур ҳурмат-эътиромимни яна бир бор йўллайман.

Дўстона ҳурмат билан,

Эммануэль МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти




Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!
Сизни ва бутун ўзбек халқини Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узвий ришталарга эга ва ўзаро ҳамкорликка асосланади. Бу, авваламбор, икки томонлама таширфларнинг фаоллашганида ҳам намоён бўлмоқда. Қарийб бир йил муқаддам Германия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўрнатилган стратегик минтақавий шериклик алоқалари орқали мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларимиз янада чуқурлашиб бормоқда.

Хукуматингизнинг ислохотлар йўлини давом эттириш истагингиздан мамнунман ва бу борада Сизга улкан муваффақиятлар тилайман. Германия келгусида ҳам Ўзбекистоннинг олиб бораётган ислохотларда ишончли ҳамкори бўлиб қолади. Барқарор, фаровон ва демократик Ўзбекистон бутун минтақа учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сизга энг эзгу тилакларимни, ўзбек халқига эркинлик, хавфсизлик ва фаровонликдаги осийишта келажақ тилайман.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Миллий байрамнинг ушбу йиллиги Сизга, Жаноб Президент ва дўст ўзбек халқига Италия Республикаси номидан ва шахсан ўзимнинг номидан энг яхши табриklarимни етказиш имкониятини бермоқда.

Яқинда Ўзбекистонга таширфим давомида халқларимизни бирлаштирган самимий дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлганман ва менга кўрсатилган меҳмондўстликнинг ёрқин хотираларини сақлаб келмоқдаман.

Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги фаол ҳамкорлик минтақадаги истиқболли алоқаларимизни ҳам кенгайтириш учун асос бўлди. Буни жорий йил май ойида Римда бўлиб ўтган “Италия — Марказий Осиё” форматада учинчи вазирлар конференцияси тасдиқлади. Жиддий можаролар ва геосиёсий кескинликлар билан ажралиб турувчи ҳозирги шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги ижобий ҳамкорлик тинчлик ва барқарорлик истиқболларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкинлигига аминман.

Ушбу ҳис-туйғулар билан мен Сизнинг фаровонлигингиз учун энг илиқ тилакларимни билдирмоқчиман ҳамда уларни Сизнинг меҳрибон турмуш ўртоғингиз ва барча ватандошларингизга юборишдан ҳам мамнунман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху,
Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимизни йўллашдан беҳад мамнунимиз.

Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху,
Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан холис табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан зафарлар, дўст Ўзбекистон халқига юксалиш ва фаровонлик тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.




Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий табрик ва қизгин тилакларимни йўллаш шарафига муяссарлигим мени чексиз қувонтиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва халқига доимий равақ ва тараққиёт тилаб қоламан.

Қамоли эҳтиром ва эзгу тилаклар ила,

Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти




Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Мамлакатингиз Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқига Қатар Давлати халқи ва шахсан ўз номидан энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва доимий тараққиёт, шунингдек, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб боришини тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,
Қатар Давлати Амири



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Мамлакатингиз Мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати, халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тарихий, маданий ва маънавий яқинлик стратегик шериклигимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Тарихий алоқага эга бўлган иккита қадимий цивилизация сифатида биз тинч, барқарор ва фаровон дунё ҳақида муштарак тасаввурга эгамиз. Изчил ҳамкорлигимиз умумий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишончимиз комилки, бизнинг ҳамкорлигимиз ўсишда ва ривожланишда давом этади ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва фаровонлик ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва тотувлик тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Драупади МУРМУ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Азиз биродарим!
Ҳиндистон халқи ва ҳукумати номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриklarим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу қўтлуг айёмда халқларимиз ўртасидаги чуқур ва яқин дўстлик ришталарини ёдга оламиз. Ҳиндистон ва Ўзбекистонни бой тарих ва ранг-баранг маданиятга эга бўлган икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарига асосланган мустаҳкам шериклик узоқ йиллардан буён боғлаб келмоқда.

Кейинги йилларда ҳамкорлигимиз барча соҳаларда сезиларли даражада кенгайди. Биз “Ҳиндистон — Марказий Осиё” саммити ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби кўп томонлама платформалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Биз икки томонлама шерикликни янада юқори босқичга кўтариш учун ҳамкорлигимизни давом эттириш ва мустаҳкамлашга қатъий қарор қилдик.

Ушбу қўтлуг айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, дўст Ўзбекистон халқига эса бундан-да зиёда тараққиёт ва равақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Нарендра МОДИ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири




Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст ўзбек халқига самимий табриklarимни, юртингизга эса янада тараққиёт ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Миср ва Ўзбекистон йиллар давомида ривожланиб келаётган ажойиб дўстона ва ҳамжиҳатлик ришталари билан ажралиб туради. Икки дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва ўзаро ҳамкорлигимизни давом эттиришга умид қиламан.

Энг юксак ҳурмат-эътиромимни билдирган ҳолда, жаноб Президент, менинг саломларимни ҳамда дўст Ўзбекистон халқига самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда дўст ва биродар Ўзбекистон халқини самимий табриklarлашга ижозат бергайсиз.

Икки мамлакатнинг ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлари янада мустаҳкамланишига ишонаман. Қўшни ва минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш Эрон Ислом Республикаси янги Хукумати ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Аллоҳ таолодан Сиз, Жаноби Олийларига саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик сўраб қоламан.

Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,
Эрон Ислом Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига


Муҳтарам Президент жаноблари!
Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриklarларимни қабул қилгайсиз.

Умид қиламанки, июнь ойида гўзал мамлакатингизга амалга оширган давлат таширфим мамлакатларимиз ўртасида ўтган йиллар давомида барпо этилган алоҳида стратегик шерикликни янада ривожлантиришга, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги алмашинув ва дўстликни мустаҳкамлашга туртки беради.

Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса узлуксиз равақ тилайман.

Хурмат билан,

Юн Сок ЁЛЫ,
Корея Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!
Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга энг самимий табриklarларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги азалий дўстлик сўнгги йилларда ҳар томонлама ва муваффақиятли стратегик шерикликка айланиб бораётганидан мамнунман. Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга олиб келади.

Сизни ишонтириб айтаманки, менинг ҳукуматим юқори даражадаги стратегик мулоқотни давом эттириш ҳамда ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантиришга содиқдир.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар ва сихат-саломатлик тилайман!

Самимият билан,

Виктор ОРБАН,
Венгрия Бош вазири

Қуйидагилар ҳам ўз табриklarларини йўллаган:
Япония Императори **Нарухито**,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироли **Чарльз III**,
Иордания Подшоҳи **Абдулла II**,
Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**,
Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**,
Бельгияликлар Қироли **Филипп**,
Испания Қироли **Филипп VI**,
Швеция Қироли **Карл XVI Густав**,
Грузия Президенти **Саломе Зурабишвили**,
Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**,
Латвия Республикаси Президенти **Эдгарс Ринкевичс**,
Мальта Республикаси Президенти **Мириам Спиттери Дебона**,
Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**,
Руминия Президенти **Клаус Вернер Йоханнис**,
Сербия Республикаси Президенти **Александар Вучич**,
Словакия Республикаси Президенти **Петер Пеллегрини**,
Финляндия Республикаси Президенти **Александр Стубб**,
Чехия Республикаси Президенти **Петр Павел**,
Швейцария Конфедерацияси Президенти **Виола Амхерд**,
Эстония Республикаси Президенти **Алар Карис**,
Таиланд Подшоҳи **Маха Вачиралонгкорн**,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **То Лам**,
Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**,
Непал Федератив Демократик Республикаси Президенти **Рамчандра Паудел**,
Сингапур Республикаси Президенти **Тарман Шанмугаратнам**,
Филиппин Республикаси Президенти **Фердинанд Маркос**,
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Ранил Викремсингхе**,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**,
Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар ал-Асад**,
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**,
Бирлашган Араб Амирликларини Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент Девони раиси **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**,
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**,
Қатар Давлат Амири ўринбосари **Шайх Абдулла бин Ҳамад Ол Соний**,
Канада Генерал-губернатори **Мэри Мэй Саймон**,
Сан-Марино Республикаси Капитан-регентлари **Алессандро Росси** ва **Милена Гасперони**,
Рим-католик черкови раҳбари **Франциск**,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**,
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**,
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей Лебедев**,
Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**,
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад М. Хон**,
БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори **Цюй Дунъюй**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

ЮРТНИНГ КУЧИ — БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР!

Бошланиши 1-бетда

Шу зайил ўзига қувват йиғади. Бундай катта қувват ҳар лаҳзада ўзининг мавжудлигини эслатиб туради. Худди қуёш каби нур, илиқлик таратади. Айтганча, муқаддас китобимизда қуёш сўзи ҳам 33 марта такрорланган экан.

Бугун янги Ўзбекистон ҳам худди ўшандай катта кучга, чексиз қудратга тўлиб борапти. Бун турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ўз сўзи, овозига эга бўлган мамлакат сифатида дунё ҳамжамияти бизга қулоқ тутаятганида ҳам кўришимиз мумкин. Бу мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилган очкилик сиёсати, халқаро майдонда дўстона муносабат ўрнатишга бўлган уринишлар ҳосиласи.

Унга жавобан дунё давлатлари ҳам юртимизга қўл тутмоқда, кенг очилляпти. Бир сўз билан айтганда, минтақамиз, умуман, бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Тўғри, халқаро майдондаги дўстлик тушунчаси ниҳоятда нозик масала экани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистоннинг тутган йўли, ўрнатаётган муносабатлари, аввало, инсон қадри, дунё халқлари тинчлиги, фаровонлиги йўлидаги ташаббусларида кўринади. Шу боис, улар фол қўлаб-қувватланмоқда. Масалан, кейинги 7 йилда Ўзбекистон ташаббуслари асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд махсус резолюция, уларнинг 4 таси жорий йилда қабул қилинди. Бу ҳам юқоридаги айтганимиз, қувват, 33 ёшли шахс, мамлакатнинг камолотиغا ишорадек, назаримда.

Ютуқлар ҳақида гап кетганда беихтиёр кечагина Паралимпия чемпиони бўлган Асила Мирзаяёва ёдимга тушди. Асила Ўзбек қизининг асл кучи, матонатини яна бир бор жаҳон аренасида кўрсатди. У Паралимпия тарихида қарийб ўттиз йилдан бери ҳеч ким забот эта олмаган рекорд натижани янгилади. Асила аввалги рекорд ўрнатилганидан уч йил ўтиб туғилган. Шу муддат ичида у улғайди, спорт билан шугулланди, “Токио — 2020” ёзи Паралимпия ўйинларида кумуш медални қўлга киритди. Ўшанда давлатимиз раҳбари Асилага келгуси сафар олтин медаль билан қайтди дея ишонч билдирган эди. У шу ишончдан куч олди, яратилган имкониятдан фойдаланиб, мусобақага тайёргарлик қўрди. Натижа эса қувонарли. Давлатимиз раҳбари 31 август кунли Паралимпия ўйинларида терма жамоамизнинг илк олтин медалларини қўлга киритган энгил атлетикачиларимиз Асила Мирзаяёва ва Қудратиллохон Маъруфхўжаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Уларга миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз фаҳри ва гурури эканини таъкидлади.



Ўрни келганда айтиш лозим, Париждаги Паралимпия ўйинларида шода-шода медалларни қўлга киритаётган спортчилар бугун мамлакатимизнинг ижтимоий давлат деган мақоми қанчалик аҳамият касб этаётганига яққол далил.

Шундай ўйлар қуршовида “Янги Ўзбекистон” боғига кириб борганимизни сезмай ҳам қолибмиз. Янги Тошкентга тамал тошидай бунёд этилган боғда байрам шукуҳи. Турфа чироқлар, фавворалар, яшиллик олами — буларнинг барчаси мўъжизакор бўлиб кўринади. Айниқса, Мустақиллик монументи! Уч минг йиллик тарихдан сўзлайдиган монументда улуг аждодларимиз, юрт учун жонини тиккан жадидларимиз тимсоли ҳам бор.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кун. Шу муносабат билан Шаҳидлар хотираси хиебонига Президентимиз бошчилигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар ташриф буюрди. Аждодлар ҳақида дуо қилинди, элга ош тортилди. Унда давлатимиз раҳбари сўнгги уч йилда 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қурбонларининг номи оқланганини таъкидлади экан: “Бу — адолат синмаслигини, ҳақиқат барибир тантана қилишини аниглади”, деди. Ҳа, бугун “Янги Ўзбекистон” боғида ўша ҲАҚИҚАТнинг тантанаси, миллат ва мамлакат овозлиги кунни нишонланди.

Дастлаб Президентимиз барча юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрам билан

муборакбод этиб, келажак режалар ҳақида ҳам сўзлади. Таълимнинг нажот эканини аждодларимиз айтиб кетган. Улар айнан шу нажот йўлига эътибор қаратиб, миллатни озод ва обод қилмоқчи эди. Жадидлар руҳига чуқур эҳтиром кўрсатилаяётган янги Ўзбекистонда уларнинг шарафли йўлини давом эттиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборини бешта устувор йўналишга қаратмоқдамиз”, деди. Ушбу йўналишлар аввалида эса таълим турибди. Зеро, муаммоларга ечим, саволларга жавоб таълим орқали топилади. Президент ибораси билан айтганда, ҳамма эшикларни очадиган қалит ҳам фақат ва фақат таълим ва тарбиядир.

Агар таълим кучли бўлса, тарбияли авлод жамият асосига айланса, мамлакатдаги барча жабҳалар бирдек ривожланади. Бунинг учун иқтисодий барқарорлик лозим. Шу боис, иккинчи йўналиш тadbиркорлиқни қўлаб-қувватлашга қаратилган. Ишбилармонлик, умуман, соҳалар ривожини учун эртанги кунга ишонч мустаҳкам бўлиши керак. Коррупциядан холи, адолатли суд тизимини яратиш айнан ўша ишонч учун хизмат қилади. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, экологик барқарорлик ҳам долзарб.

Мустақиллик байрамида саҳнага турли соҳа вакиллари чиқиш қилганда, бирдамлик ҳақида қўшиқ куйланди. Уни тинглай туриб,

юқорида фикр юртганимиз, чексиз қувват манбаи ҳақида яна эсладим. Ахир ҳар бир соҳа илим, гузал тарбияли одамлар билан юксалади. “Янги Ўзбекистон” саҳнасини тўладириб турганлар ана шундай малакали кадрларнинг тимсоли, вакиллари-ку! Етуқлик ёшидаги мамлакатнинг қуввати ҳам айнан шулар!

Яна бир муҳим жиҳат, байрам табригида ҳам, саҳнадаги чиқишларда ҳам ҳамжиҳатлик, аҳилликка чорловни доим ҳис этиб турдик. Зотан, бир халқ, бир бутун ватан бўлиш ҳозиргидек қиёфаси ўзгариб бораётган дунёда жуда муҳим. Бундай таҳликали даврда ҳар бир инсон тинчлик, дўстлик ва аҳиллик деган байроқни баланд тутиб яшаши керак. Зеро, “Юртнинг кучи — бирликда, қадри эса тинчликдадир!”

Тан олиш керак, нафақат халқимиз, балки Марказий Осиё бирдамлиги йўлида катта қадам ташланди. Бунни Париждаги Олимпия ўйинлари давомида барчамиз бирдек ҳавас ва қувонч билан кўриб, кузатиб ўтирдик. Айниқса, ўзбек мураббийининг қирғиз спортчисига кўрсатган ёрдами, бундай илиқ муносабатдан илҳомланган қозоқ оқинининг айтими... Бу ҳодисаларни дунё аҳли кузатиб, Марказий Осиёда катта қудратли куч жипслашганини ҳис этди.



Бугун Мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлаётган мамлакатимизда ана шундай кенг қўламдаги ўзгаришларга қўл урилди. Эртанги кунга замин ҳозирланди. Юқорида айтганимиз, ВАТАН, МУСТАҚИЛЛИК, унинг қувват манбаи мана шу ислохотлар замирига яширинган.

ЭНГ КАТТА МАКТАБ, ЭНГ КАТТА ТАРБИЯ — ТАРИХНИНГ ЎЗИ

Бошланиши 1-бетда

Хиебондаги рамзий қабр ёнида ҳам Куръон тиловат қилинди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшларни шу руҳда тарбиялаш ҳақида мулоқот бўлди.

— Мустақиллик байрами арафасида, бугунги тинчлик, эркинлик шароитида қаҳрамон боболаримизнинг пок номларини эслаш, табарруқ хотираларига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу боис, дунёдан ўтган ватандошларимизнинг ҳам қадрини тикилаймиз. “Инсон — азиз, хотира — муқаддас” деган эзгу шиор ҳаётимиздан мустаҳкам жой оляпти. Табарруқ ёдгорлик мажмуалари бунёд этилмиз. Мазрифатпарвар боболаримиз ҳақида бадий ва илмий асарлар, кинофильмлар яратилмоқда. “Хотира” китоблари тайёрланмоқда. Халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Мана, сўнгги уч йил ичида 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қурбонларининг номини оқилдик. Бу нимами аниглади? Бу — адолат синмаслигини, ҳақиқат барибир тантана қилишини аниглади.

Ўтган йилги маросимда давлатимиз раҳбари жойлардаги қатагон қурбонларини аниқлаш, бу борада тадқиқотларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шу асосида жорий йил 19 июль кун “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилиб, Мудофаа вазирлиги бошчилигида бир қатор мутасадди ташкилотлар бириктирилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу қарорнинг моҳияти ва мақсади ҳақида гапирди:

— Шу пайтгача қатагон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаган эди. Ҳолбуки, бу рўйхатдаги ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини бор. Шаҳид кетган, қатагон қилинган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти — қаҳрамонлик. Шу боис, биз қарорда қатагон қурбонларини номма-ном аниқлаш, уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида уларнинг табарруқ номларини кўп жиддийлик “Қатагон қурбонлари” китобига ҳамда мана шу мажмуада барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига ёзиб қўямиз. Афсуски, чет давлатларда, ҳатто ўзимиздаги архивларда бу масалага оид барча маълумотларни ҳам тўлиқ ўрганганимиз

йўқ. Шу сабабли бу борада илмий экспедициялар ташкил этиш белгиланди. Энди ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаймиз.

Нима учун бу вақт танланди? Чунки 1938 йил 4-16 октябрь кунлари 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий маҳбус устидан ҳукм ўқилган. Энг етакчи шахслар қатл этилган. Улар орасида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Худойберган Девоннов каби етуқ зиёлиларимиз, Германияда ўқиб келган илгор мутахассислар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари бўлган. Энг даҳшатли томони — улар 4 октябрда қатл этилган, ҳукм 5 октябрда чиқарилган.

— Бу сана халқимиз тарихидаги энг қайғули кунлардан биридир. Шунинг учун бу ҳафталикни катта тайёргарлик билан, бирдамликда ўтказишимиз керак, — дея таъкидлади Президент.

Қарорга кўра, мазкур ҳафталик давомида аҳоли ўртасида учрашувлар, турли кўргазма ва танловлар, шу мавзудаги кино намоёнлишлари ўтказилади. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, вазирик ва идоралар раҳбарлари, бошқа масъул шахслар қатагон қурбонлари яшаб ўтган хонадонларга кириб, уларнинг авлодларидан хабар олади.

Фидойи аждодларимиз туғилиб ўсган, яшаган хонадонларга эсдалик лавҳалари ўрнатилади. Улар яшаган маҳаллалар ва мактабларда Хотира бурчаклари ташкил этилади.

Шу тарихқа одамлар қатагонга учраган маҳалладошлари ҳақидаги маълумотлар билан танишади. Мустақиллик қандай ойи йўқотишлар эвазига қўлга киритилган буюк неъмат эканини аниглаб етади. Халқимиз қандай машъум кунларни бошдан кечирганини тушунади. Фидойи аждодларимиз энг оғир пайтларда ҳам виждонини, миллий ўзлигини сақлаб қолганини юракдан ҳис қилади.

Мулоқотда Бош вазирга ушбу ишларни ташкил этиш ва ижросини назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, сўнгги йилларда Тошкентдаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи реконструкция қилиниши билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам шундай музейлар ташкил этилди. Айниқса, Андижон, Бухоро, Қарши, Фарғона вилоятларидаги музейлар эътиборга молик.

Президент бундай хайрли ишларни давом эттириш, жадидлар ҳаётига оид ноёб ҳужжат ва экспонатлар билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш кераклигини таъкидлади.

— Тўғри, кейинги вақтларда бу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилди. Кўп номаълум номлар аниқланди. Китоблар, кинолар чиқарилди. Лекин буям кам. Бу борада ҳам маҳаллабай изланиш олиб бориш, бунга барча зиёлилар, нуронийлар, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳисса қўшиши мақсадга мувофиқ. Бу қадриятга, умуммиллий ҳаракатга айланиши керак, — деди давлат раҳбари.

Тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш, архив маълумотларини очиқлаш, тарихни ёшларга тўғри етказиш муҳимлиги қайд этилди.

— Биз нима учун Имом Бухорий музейини ташкил қиляпмиз? Нима учун тарихий кинолар ишлатяпмиз? Чунки энг катта мактаб, энг катта тарбия — тарихнинг ўзи. Ёшларимиз тарихимизни яхши билиши, бошқалардан эмас, ўзимизнинг боболаримиздан намуна олиши керак. Бунинг асосини мукаммал қилиб, ёшларга муносиб тилда, қизикарли тарзда, ижтимоий тармоқлар орқали етказиш, жамиятга сингдириш зарур. Ёш авлодни шу руҳда тарбияламасак, ўз танлаган йўлимиздан қатъий бора оламиз, — деди Президент.

Дунёда хавф-хатарлар кучайиб, миллий ўзлик, эзгулик, қадрият каби тушунчалар завола юз тутаятгани ёдга олинар экан, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадри яққол намоён бўлади.

— Мустақиллик — Аллоҳ таоланинг эл-юртимизга энг катта марҳамати, неъмат. Ҳар бир кун, ҳар бир йилнинг қадрига етиб, шукроналик ҳисси билан яшаш керак. Аждодларимизни эъзозлаш, халқни рози қилиш бўйича савоб ишларни кўп қилсак, Худо доимо йўлимизни очиб беради, — деди Президент.

Ватан манфаати йўлида фидо бўлганларнинг охи-ратлари обод бўлсин, тинч-осойишта юртимизни Парвардигор ўз паноҳида асрасин, дея дуолар қилинди.

Мустақиллик монументи давлатимиз озодлиги ва барқарорлиги рамзидир. Унда халқимизнинг кўп асрлик давлатчилик тарихи, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримиз сиймолари акс этган. Монументнинг энг юқори қисмида Хумо қуши тасвирланган.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, ушбу мажмуа пойига гулчамбар қўйди.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, вазирик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган байрам тадбирларидан биридир.



ПАРИЖДАН ТУҲФА: СПОРТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАН ДАРАК

Мустақиллик байрами мамлакатимиз бўйлаб ҳар қачонлигидан-да шукуҳли нишонланмоқда. Боиси, паралимпиячи спортчиларимиз Париждан миллий тараққиётимиз байрамига медаллар шодасини муносиб туҳфа этишда давом этапти.

PARIS 2024
PARALYMPIC GAMES



Ҳозиргача Асила Мирзаяёва, Қудратулло Маъруфхўжаев, Элбек Султонов, Асадбек Тоштемиров, Ёркинбек Одилов олтин, Зиёдаҳон Исоқова, Кубаро Ҳақимова, Гулжаной Наимова кумуш, Муслима Одилова, Толиббой Йўлдошев, Моҳиғул Ҳамдамова эса бронза медалларни қўлга киритди.

“Мана, бизнинг қандай қаҳрамонларимиз, қандай ўтторак пахлавонларимиз бор! Уларга таҳсин ва тасаннолар бўлсин!” Шижоатга тўла, меҳрли бу эътирофи Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган мустақиллигимизнинг 33 йиллигига бағишланган катта тантанада алоҳида таъкидлади.

Ҳа, бу нурли гап бугун ҳар биримизга маънавий қувват улашиб туради. Кейинги йилларда ёшларимизнинг нуфузли спорт ўйинларида, интеллектуал мусобақаларда кетма-кет ғолибликни қўлга киритаётгани нимадан дарак? Албатта, мамлакатимиз тараққий этаётганидан.

бойликка айланади. Қачонки, юқорида айтганимиздек, яхши таълим ва аъло тарбия олса! Эндиги йўлимиз айнан шунга қаратилади. Яъни аҳолиимизни ислохотлар, меҳнат, билим ва қобилият билан катта салоҳиятга айлантираемиз.

Мажбурий меҳнатни бекор қилишдан бошланган ислохотлар, таълим сифатини яхшилаш, илмий даража олишни қўлаб-қувватлаш, олий таълимни соғлом рақобат ҳисобиغا юксалтириш каби кўплаб ишлар амалга оширилди.

Бугун Мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлаётган мамлакатимизда ана шундай кенг қўламдаги ўзгаришларга қўл урилди. Эртанги кунга замин ҳозирланди. Юқорида айтганимиз, ВАТАН, МУСТАҚИЛЛИК, унинг қувват манбаи мана шу ислохотлар замирига яширинган.

Таъкидланганидек, Мустақиллигимиз камолот чўққиси ҳисобланган 33 ёшга етди. Инсон бундай ёшда ўзи истаган ҳар қандай юмушни удалашга қодир кучга-қудратга эга бўлади. Айни пайтда маънавий қиёфаси ҳам шунга монанд етуқликка эришади. Содда қилиб айтганда, сиз 33 ёшингизда қандай бўлсангиз, орзуларингиз, мақсадларингиз қанчалик юксак бўлса, келгуси ҳаётингиз ҳам шунга монанд кечади.

Мамлакатимиз ҳам ҳозир айнан шундай ҳолатда, ҳам жисмонан, ҳам руҳан етуқликка эришмоқда. Масалан, спортчиларимиз дунёни лол қолдирди. Илм-фан соҳаси вакиллари ўз йўналишларида дадил олға илдамламоқда. Дунё мамлакатлари ташаббусларимизни қўлаб-қувватлаб, фикримиз билан ҳисоблашмоқда. Бундай ўзгаришлар қуёшининг тафти, нури каби сўнмас, муттасил қувват ишлаб чиқаради. Юртнинг ёруғ келажagini таъминлайди. Фақат бунинг учун ёшларимиз билдирилган ишончини оқлаши, турли соҳаларда улкан ютуқ ва зафарларга эришиб, юртимизни дунёга янада кенг тараннум этиши керак. Улар эса бунинг, албатта, удалайди. Чунки бу элнинг Баҳодирдай пахлавонлари, Асиладек матонатли қизлари бор!

Шундай ёруғ ўйлар билан байрам тантанасини аюқлаб ортга қайтдик.

Ушбу мақолага нуқта қўяр чоғимизда эса яна бир хушхабардан дилимиз яйради. Паралимпия ўйинларида спортнинг пара таэквондо тури бўйича -80 кг вазн тоифасида курашаётган Асадбек Тоштемиров олтин медални қўлга киритди!

Бу қувончли хабарни эшитгач, яна бир бор ўпка тўлдириб хайқиргим келди: “Йул бўшаёт, замона! Йул бўшаёт, жаҳон! — Ўзбек келаяпти тарих қаъридан!” .

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири


МИЛЛАТ УЧУН ТИКИЛГАН УМР

Бу йўлда бизга қандай омил, қандай куч маддирок ва ўрнат бўлиши эса Президентимизнинг мана бу юрак сўзларида ўз аксини топган: “Барча-барча интилишларимиз замирида фидойилик ва ватанпарварлик бўлиши керак. Энг қатта нарса — онг ўзгариши керак. Худо менга соғлик ва умр берса, шундай кунлар келадикки, бизда камбағал ва ишсизлик бўлмайди. Бунинг учун мен тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари фаровон ҳаёт кечирсин, бахтли бўлсин, набиралари соғлом туғилсин, тиббиёти, мактаби ишласин, йўллари раван бўлсин, деб ишга келдим мен. Буларнинг барига мен етти йиллик умримни тикдим! Агар биз ўйламасак, ўзбек халқини қим йўллайми?”

БАТАНГА ЖОНФИДОЛАР ДАРСИНИ УҚДИМ

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватанпарварлик — илоҳий туйғу. Ватанни ҳам, ватанни севмоқни ҳам инсонга Парвардигор инъом этган. Бўлмаса нега “Ватан” дейилса, руҳу вужудинг жунбишга келади? Бу сеҳрли туйғунинг бошу адоғи қаерда? Нега сен ватанга бир гард тушганда тўлғонасан? Унинг покиза бўлишини жон-дилдан хоҳлайсан? Чунки бу юртда бежиз дунёга келмагансан. Уни тақдирим деб билгансан. Унинг шону шавкати сенинг ҳам шону шавкатинг эканини англайсан. Биласан, кези келганда, ундан жонингни ҳам аямайсан.



Яна яқиндагина бўлган воқеа.

Олимпиадага йўл олаётган боксчиларимиз сафар олдидан Миллий театрга — мен ёзган драма асосида сахналаштирилган “Чўлпон” спектакли томошасига тушган экан. Театр раҳбари Ёдгор Саъдиев спортчиларимиз томошадан сўнг нақадар ҳаяжонланганини менга гапириб берди. Боксчиларимизнинг Париждаги ғалабаларини телевизордан гурур билан томоша қилиб ўтирганимда, бу йигитларнинг шижоатида Чўлпоннинг ҳам ватанга муҳаббатидан бир зарра бўлиши мукинлигини тасаввур этдим. Ватан учун жонини берган шоирнинг фидокорлиги нега унинг ҳаётидан дарс олган йигитларнинг зарбасига кўчмасин!?

Ҳа, спортчиларимизнинг Олимпиададаги қаҳрамонлигиндан бошим осмонга етди. Ўзбекистонда мен билмайдиган яна қанчадан қанча камтар ватанпарварлар борлиги ҳақида ўйладим. Борлигим қувончу фаҳрга тўлди.

Ватанни севишдек муқаддас туйғу инсоннинг қандайлигини белгилаб берадиган мезон. Ватан учун борини бериб хизмат қилаётганлардан, халқ фаровонлиги учун елиб-югураётганлардан чин қалбдан фахрланаман. Уларни опа-сингилларим, ака-укаларим, фарзандларим деб биламан.

Улар жуда кўплигини ҳам тасаввур этаман. Ҳақиқатан, улар жуда кўп! Қандай яхши! Бошида айтганим ўша “Чўлпон” спектаклига тушган томошабинларнинг дам-бадам олқишларидан, томоша тугагандан кейин ҳам узоқ олқишлаб туришларидан уларнинг томирида бу улғу дард — ватан туйғуси жўшиб турганини ҳис қиламан. Яна қайтариб айтман, биз — ватанпарварлар кўпмиз! Жуда кўп!

Ватан тақдирига бепарво қарайдиганлар эса менга бечора одамлар бўлиб туюлади. Яхши кун кўриш учун бошқа мамлакатнинг фуқаролигини минг азобда олиб, ватанини тарк этганларга раҳим қилади. Ватаннинг қадрига етмаганлар Аллоҳнинг инъомидан воз кечган гумроҳлардир.

Ватаннинг равнақи учун эртаю кеч ўзини аямай, ёниб-куяётганларни қадрлайман. Улар фаришта одамлар.

Ватан манфаати бир четда қолиб, порахўрлик, найрангбозлик қилаётганлар, фақат ўз чўнганганини ўйлаётганлар эса дучманам.

Мақола сўнгидея бир гапни айтиш. Менинг хушомаддан йирок одамлигим кўпга маълум. Аммо барибир Ўзбекистонни қудратли мамлакатга айлантириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган раҳбаримизга та-саннолар айтмоқчиман. Чунки кўзим билан қўриб, юрагим билан сезиб турган бу ҳақиқатни айтмаслик ҳам адолатдан эмас.

Ўзбекистонга кўз тегмасин! Гуллаб-яшнайверсин! Мен бу дунёдан кетганимдан кейин ҳам руҳим юртимнинг равнақидан шоуду хуррам бўлиб, фалакларда учиб юрсин!

ЮРТИМНИ ЯХШИ КЎРИШИМ КЎЗ ЁШЛАРИМ КАБИ ТАБИЙ

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деган саволга бирдан жавоб бериш мушкул. Инсон нима учун ота-онасини, яқинларини яхши кўради? Сабаби, улар жон томиринг туташган жигарларинг, яқинларинг. Ватанга ҳам худди шу яқинларинг каби таъмасиз, изоҳсиз меҳр берилади. Инсон юртига муҳаббатини у билан фахрланганида янада теран ҳис этаркан. Доим хорижининг катта сахналарига чиққанимда юртимиз, халқимизнинг бебаҳо мероси билан фахрланаман.



Ўша концертдан сўнг бир олима аёл ёнимга келиб, “Ўзбекистон деган юртни энди билдим, мақомларини тинглаб йиғладим”, деганида фахрланганман. Бугун янги Ўзбекистонда мана шундай бой ва бетакор меросимизни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш, уни дунё миқёсида тарғиб этишга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, Шахрисабзда мақом фестивалини ўтказиш ажойиб аънамага айланди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда халқаро мақом санъати анжумани очилиш маросимидаги нутқида: “Биз учун бебаҳо бадий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда”, деган эди.

Дарҳақиқат, бой маданий меросимиз нафақат халқимиз, балки инсоний туйғуларни, эзгулик, адолат ва тенгликни тараннум этади. Ўзбекистонда санъатнинг бу кучидан ўринли фойдаланилмоқда. Бунини Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали мисолида ҳам кўрдик. Регистон майдонидея дунёнинг кўплаб мамлакатлари байроғи тинчлик, дўстлик нафасидан ҳилпираб турди. Айтинг-чи, шундай юртдан фахрланмай, уни севмай бўладими!

Шу ўринда бир воқеани эсламоқчиман. Бельгияда ўтказилган “Аёл овози” фестивалда очиқ дарс ўтдик. Устозим Шавкат Мирзаев билан келишиб, оsonoқ ашулалардан “Тановар”ни ўргатамиз, дедик. Бироқ улар бизга мақомлардан ўргатинг, деди. Тошкент — Фарғона йўналишидан “Баёт-4”ни машқ қилдик. Ораддан бир-икки йил ўтгач, ўша тингловчиларимиз юртимизга келиб, ҳужжатли фильм тўғрисида. Самарқанддаги миноралар, Бухородаги зияратгоҳлар кўрсатилди. Сўнг раҳматли онам кўриниб, қўшиқ айта бошлади: “Сунбулаю сунбула, ўраб олай гул билан...”

Кўзларим қувонч ёшига тўлди. Бу шу юрт фарзанди бўлган инсоннинг ўз ватани, санъатидан фахрланиши, қувонч кўз ёшлари. У онамдай мўътабар, мақомларимиздай ҳаётбахш муҳаббат эди. Юртимни яхши кўришим ўша кўз ёшларимдай табиий.

“Аслида, бахтимиз Ўзбекистон деган жаннатмонанд она диёрда туғилганимизда! Обод ва озод диёрнинг фарзанди бўлганимиз — тақдирнинг сийлови. Шу ерда дунёни таниб, у берган имкониятлар сабаб ватан байроғини жаҳон аренасида баланд кўтара олганимдан фахрланаман.

ВОЛИДАМ СОҒИНЧИДАЙ ИЗОҲЛАБ БЎЛМАС МУҲАББАТ



Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
икки карра Олимпиада чемпиони

Ватан не, ота-она ким, уларнинг қадрини инсон ҳаёт синовларини енгиб ўтиш жараёнида англаб борар экан. Демокчанмик, бундай тушунчалар ёшга эмас, ҳаёт йўлимизга боғлиқлигини англадим. Менга тақдир синовли кунларни жуда эрта берди. Шу синовлар ичидея Ўзбекистонни нечун севишимни англадим. Уйдан олисида юриб, қийинчиликлар ичидея ўқиб, машқ қилиб Саросиёга кетгим келганида, ўзим бўйлашиб ўсганим азим тоғларни кўргим келганда ватан ҳақидаги тушунчаларим шаклланиб борган.

Боксда рингга чиқишдан олдин рақибни ободан ўргатган. У қайси томондан қандай зарба бериши мумкинлигини билиб, шунга қараб шн тутасан. Аммо ҳаёт рингга ўхшамайди. Унинг зарбаси ҳам, туҳфаси ҳам қутлимиларда келар экан. Менда ҳам худди шундай бўлди. Аввал ҳаёт номли рингда зарбаларни ўтказиб олдим, сўнг унинг мукофоти кела бошлади.

Дарҳақиқат, болалик, ўсмирлик чоғларимда кўп қийинчиликларни кўрдим. Ноҳақликларга дуч келдим, етшмовчилик нима эканини бошимдан ўтказдим. Қорим нонга тўймай, ётоқхонада ётишга жойим бўлмай, зулматли туналарда зўрға тонг оттирган кунларим кўп бўлган. Ёнимда пулим йўқлиги сабаб Чирчиқдан пойтахтга пиёда келганим ҳам

рост. Ўша вақтларда 14 ёшга ҳам тўлмаган ўспирин бола эдим...

Ҳар бир инсон учун ўзининг туғилиб ўсган диёрдан ардоқлироқ маскан ва ўз юрти эъзозидан шарафлироқ мукофот бўлмайди. Ютуқларим, ғалабаларим ортида онажоним ва халқимнинг дуолари, ишончи, давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, рағбати мужассам.

Юртимизда яратилган имкониятлар, барча соҳаларда ёшлар бирдек қўллаб-қувватланаётганини қийинчиликларни енгиб, спортда шундай катта ғалабаларга эришинишга сабаб бўлди. Ҳа, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, имтиёзлар менга ёруғ, нурли ва зафарли йўлларни очиб берди! Бундай эътибор менга улкан куч, шижоат бағишлайди. Парижда ўтган мусобақаларда ҳам мухлисларимиз юртимиз байроғини баланд тутиб, бизга далда берганидан катта қувват олдим. Ўша дамларда халқимиз, давлатимиз далдасини доим ҳис қилиб турдим.

Аслида, бахтимиз Ўзбекистондек жаннатмонанд она диёрда туғилганимизда! Обод ва озод диёрнинг фарзанди бўлганимиз — тақдирнинг сийлови. Шу ерда дунёни таниб, у берган имкониятлар сабаб ватан байроғини жаҳон аренасида баланд кўтара олганимдан фахрланаман. Шу ҳиссиётнинг ўзиёқ ватанга бўлган меҳримизни изоҳласа керак. Яна бир муҳим гап, агар тақдир ҳукми бошқача кечиб, ҳозирги ютуқларим бўлмаганида ҳам барибир юртимизни ҳозиргадй яхши кўрадим. Тўғри, нима учун яхши кўришимни тўлиқ тушунтириб беролмайман. Аммо ватан соғинчини, унга бўлган меҳримни волидамини яхши кўргандай ҳис қиламан.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ОНА ДИЁРНИ КУЧЛИРОҚ СЕВИШ БУРЧИМИЗ



Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Севги, асосан, табиий равишда ўз-ўзидан, сабабу оқибатини тўла англаб бўлмайдиган йўсинда юзага келадиган руҳий ҳолат. Аммо одам тирикчилигидаги ғаройибот шундаки, баъзан сеvgи ҳам бурч ва мажбурият сингари туйғуга айланиши керак бўлади. Шундай бўлишини одамлик, одамийлик тақозо этади. Чунончи, ҳар бир чинакам одам олдиниға ўз ота-онаси ва яқинларини, кейин улар мансуб бўлган миллатни ҳамда улар яшайдиган юртни бошқа масканларга қараганда кучлироқ севишга бурчли ҳисобланади.

Ҳар қандай одам муайян ота-она, аниқ макон ва замонга мансуб ҳолда дунёга келишдай қисматга маҳкум. Айни шу ҳолда ўзига хос хизмат мавжуд. Демак, одам илк яралишидаёқ мансублик ва ўша мансублик олдидаги мажбурият юки билан дунёга келади. Болалигида ота-онаси ёки яқинлари томонидан парваршилангани каби улар мансуб бўлган юрт ва эл-улуста хос руҳий-маънавий сифатларни ўзлаштиради. Агар одамнинг қисмати ота-она, миллат ва юртга боғлиқ бўлмаганида, бошқа жонлиқлар сингари яқинлар ва юртга бефарқ яратилган бўлар эди.

Одам нарс-ҳодисани ўзига тегишли бўлмаганидан яхшироқ кўради. Ватан ўзини танийдиган ҳар бир одамга бевосита тегишлидир. Ўзиники бўлгани учун юртини севади. Худди ўз ота-онасини бошқаларнинг ота-онасидан ортқироқ севагани янглиғ. Мен ҳам Ўзбекистонни айнан меники бўлгани учун севаман. У борица меники ва уни борица севаман. Менга уни севиладиган даражага келтириб беришларини кутиб ўтирмайман. Уни ўзим севадиган даражага ўзим келтиришим керак деб ўйлайман.

Ватан танланмайди. Худди ота-она танланмагани каби. Танланган маскан ватан эмас, у шунчаки яхши яшаш мумкин бўлган бир қўналгадир, холос. Кейинги вақтда ота-онани ҳам, ватанни ҳам танлаш керак, дейдиган кимсалар пайдо бўлаётгани жуда ташвишли ҳол.

Ватан, юрт одамнинг кўнглидан ташқарига ётган тупроқ, қандайдир миқдордаги ер парчасигина эмас. Маскан қачон ватанга айланади, қачонки у ташқаридаги тупроқдан кўнглидаги ҳолатга, туйғуга эврилиса. Шу маънода, юрт тупроғи одамнинг ташқарисида ётганида эмас, унинг ичкарисига киргачгина ватанга айланади.

Одамлар ва маконлар турлича бўлгани сингари ватанлар ҳам турлича. Юрт чинакам юрт эгаси томонидан қулай ва бой бўлгани сабаб эмас, балки ватан бўлганининг ўзи учун севилади. У миллат, ота-она каби ўз-ўзидан кўнгли ва жонга туташ, яъни севиладиган ҳодисадир.



Ватанни тамсил этувчи ва ундан айро тушмайдиган ўзлиқ, гурур, ифтихор, тил, шаън, ор сингари маънавий унсурлар бор. Ана шуларга эғалик ва амал қилиш юртдошни, демокки, юртни юксалтиради.

Одамнинг қисмати шундаки, балоғат ёшидаги ҳар бир инсон ҳеч қачон фақат ўзига тегишли бўлиб қолмайди. Айниқса, ташқарида у ҳамisha олдин ватанига, сўнг миллатига, кейингина ўзига тегишли яратик ҳисобланади. Демак, бизнинг ўйларимиз, туйғуларимиз, тутум ва амалларимиз олдин ватанга, сўнг миллатга, кейингина ўзимизга тегишли бўлади. Ўзга ватанда, бошқа миллат вакиллари олдида биз олдин Ўзбекистонлик, кейин ўзбек, сўнгги-на муайян бир шахсмиз. Демак, шунга яраша бўлмоғимиз талаб қилинади.

Юрт, ватан қачон суюкли бўлади? Қачонки юртда ҳар бир юртдош қадр топса, унинг эрки, орзу-истаклари ҳисобга олинса, межлиги ва ўзлиги қиймат касб этса. Ушанда юртдошнинг қудрати юртга кўчиб ўтади. Юртни қурул-аслаҳа ёки моддий тўқислиқдан ҳам кўра юртдошнинг унга бўлган чин муҳаббати қудратли қилади, деб ўйлайман. Юрт қудрати кўлимиз ва кўнглимизда!

Суюкли элимдаги барча юртдошларимни бўсағада турган эгаманлик байрами билан қутлайман!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “KoloGraph” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2991
41369 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KoloGraph” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 00:25 Топширилди — 04:30